

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/IS/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВА МАРГУБА ИЛХОМЖОН ҚИЗИ
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАРИ
ТИЗИМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

23.00.04 - Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа таракқиётининг сиёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАҲЛЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 070:327 (510)
Силёсий фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по политическим наукам

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)
on Political Science

Сиддиқова Марғуба Илҳомжон қизи
Хитой Халқ Республикаси геосилёсий манфаатлари тизимида оммавий
ахборот воситалари..... 3

Сиддиқова Марғуба Илҳомжон қизи
Средства массовой информации в системе геополитических интересов
Китайской Народной Республики..... 25

Siddikova Marguba Ikhomjon kizi
Mass media in the system of geopolitical interests of the People's Republic
of China..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 54

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВА МАРҒУБА ИЛҲОМЖОН ҚИЗИ
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАРИ
ТИЗИМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

23.00.04 - Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг силёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маъқули Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Мақомамати ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PHD/81yos36 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бақарилган.

Докторлик диссертацияси уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.uwved.uz) ва "Ziyouet" Аxbорот тaълим порталида (www.ziyouet.uz) joyлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аблат Ходжаев
тарих фанлари доктори

Расмий тақризчилар:

Абдуллаев Елтон Зоирович
сиёсий фанлар доктори

Хайдаров Абдусамал Ахатович
сиёсий фанлар доктори

Ўтақчи ташкилот:

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.11/30.12.2019.Тар/У/8/24.01 рақамли Илмий кенгашининг "2020 йил соат 15:00" йиғилишида бўлиб ўтди. (Маънил: 100047, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (99871) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwved.uz).
Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Аxbорот-ресурс марказида таништириш мумкин. (Ҳақам билан рўйхатга олинган). (Маънил: 100047, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (99871) 267-67-69).
Диссертация авторферати 2020 йил 12.12.2020 йилда тарқатилди.
(12.12.2020 йилдаги № рақамли расмий ҳужжатимаси)



И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи
ишлов-устувор раиси, ю.ф.д., профессор

Д.Ш. Умарханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ю.ф.д.

Ф.Ф. Фармонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда давлатлар орасидаги геосиёсий курашлар аxbорот оламида олиб борилмоқда ва ҳар бир мамлакат ўзининг медиадипломатиясини илгари суришга ҳаракат қилмоқда. Аxbоротлашган жамиятнинг янги реалликлари геосиёсатчиларга янги ва ноанъанавий вазифаларни юкламоқда. Бу эса геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал этишда аxbорот таъсирини ўз вақтида таҳлил қилишни талаб этмоқда¹. Жамиятда оммавий аxbорот воситалари таъсирининг ортиб бориши ҳамда виртуал оламда юзага келаётган ўзгарувчан вазият геосиёсий муаммоларга янгича ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда ва "постклассик геосиёсат"ни амалга оширишни тақозо этмоқда. Ушбу сиёсатга кўра, бошқарувни шахсининг онтига аxbорот билан таъсир этиш орқали амалга ошириш самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. XXI асрда кўп давлатларнинг геосиёсий стратегиялари ана шундай кучларга таянмоқда. Бу борада ҳозирги кунда иқтисодий юксалган ва аxbорот технологиялари соҳасида жаҳон миқёсида иккинчи ўринга чиқиб олган Хитой Халқ Республикаси (ХХР)ни алоҳида тилга олиш мумкин.

ХХРнинг тараққиёти ва халқаро миқёсдаги салоҳиятнинг ортиб бориши унинг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари доирасини кенгайтиришга кенг йўл очиб бермоқда. Хитойнинг куруқликдаги жойлашуви ва унинг бир томони денгиз билан туталиб кетганлиги унга Осиё-Тинч океани минтақасига, Россия Федерацияси ҳудудларига, Марказий Осиё давлатларига ҳамда бошқа яқин кўшни ва чегарадош давлатларга геосиёсий жиҳатдан таъсир этишга қулайлик яратса, аxbорот оламида у ўз таъсир доирасини дунёнинг исталган еригача кенгайтириш имкониятига эга. Қолаверса, бу борада Хитойнинг ўзига ҳос ҳуусиятлари мавжуд. Шундай вазиятда бу мамлакат ўз геостратегик мақсадларини олга суришда қандай имкониятлар ва услублардан фойдаланаётганлигини ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим сиёсий ва илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "аxbорот ҳавфсизлигини таъминлаш ва аxbоротни ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш, аxbорот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш" устувор вазифа сифатида белгилаб берилган². Мазкур йўналишда ХХР тажрибасини ўрганиш, халқаро миқёсдаги аxbорот таҳдидларидан ҳимояланиш усуллариин илмий тадқиқ этиш жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ХХР оммавий аxbорот воситаларида Хитойнинг ички аудиторияси учун Ўзбекистон Республикаси ҳақида берилмаган аxbорот мазмунини, Ўзбекистонни таништириш ва унинг ташқи ижобий имижини шакллантириш, туризм соҳасини ҳамда икки томонлама кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш масалаларига қанчалик эътибор

¹ Василево И.А. Геополитика современного мира. – М.: "Тардиорн", 2006. – С.7.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz

берилаётганлигини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5400-сонли фармонлари, 2005 йил 8 июндаги «Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-94-сонли, 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси «Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3654-сонли қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу бўйича нашр қилинган ва муаллиф томонидан қўриб чиқилган ишларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мамлакатимиз ва чет эл олимларининг замонавий геосиёсатда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини ўрганишга бағишланган асарлари қиради.

Ўзбекистонда Ал-Бухорий Муҳаммад Абдусатторнинг сиёсий фанлар доктори даражасини олиш учун ёзилган «Замонавий халқаро муносабатлар шароитида халқаро ахборот алмашувининг глобаллашуви ва муаммолари» мавзусидаги тадқиқот ишида ОАВнинг халқаро муносабатлар эволюциясига қўрсатилган таъсири ўрганилган.

Хорижий мамлакатларнинг олимларидан америкалик Randy Kliver¹, россиялик М.В. Ареева, И.Н. Панарин², И.А. Василенко³ томонидан тадқиқ этилган илмий асарларда асосан муаммонинг назарий-методологик жиҳатлари ўрганилганини кузатиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга Хитой Халқ Республикасининг сиёсатшуносларидан Вен Жянхуа¹, Янг Сингфен², Лю Сяоян³, Фанг Фанг⁴ каби олимларнинг илмий асарларини қиритиш мумкин. Хитойлик олим Вен Жянхуа «ХХР ташқи сиёсатига таъсир этувчи беш асосий омил» («影响中国外交决策的五大因素») китобида бешинчи асосий омил сифатида оммавий ахборот воситаларини келтирган ва уларнинг имкониятлари қисқача кўрсатилган.

Бирок, Хитой Халқ Республикасининг геосиёсий манфаатлари тизимида ОАВнинг ўрни ҳамда ундан фойдаланиш даражаси илмий ва амалий кузатиш асосида ўрганилмаган, бу мавзуга оид бирорта махсус тадқиқот асосида бажарилган илмий иш мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хитойнинг геосиёсий манфаатларини химоялаш ва илгари суришда қўлланаётган оммавий ахборот воситалари ва улардан қандай фойдаланилаётганини, Хитойнинг геосиёсий потенциалига таъсир этувчи қучлардан ахборот таъсири орқали химояланишини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ХХРнинг геосиёсий манфаатларини таҳлил қилиш;
жаҳондаги геосиёсий рақобатда ўзининг курашиш қудратини ахборот технологиялари орқали кучайтираётган ХХР ва унинг медиадипломатиясини ёритиш;

ХХРнинг геосиёсий манфаатларини ОАВ орқали илгари суриш усуллари ва ўзига хос хусусиятларини кузатувлар орқали ўрганиб чиқиш;

Хитойнинг ички бирлиги ва худудий ахлитлигини таъминлашдаги муаммоларни бартараф этиш йўлида ОАВдан қандай фойдаланаётганини таҳлил қилиш;

ХХР оилаий оммавий ахборот воситаларининг сиёсий фаолиятини кузатиш ва далиллар асосида аниқлаш;

¹ Вен Жянхуа (文建华). ХХР ташқи сиёсатига таъсир этувчи беш асосий омил («影响中国外交决策的五大因素»). – Пекин: «Чунгуо Байжиа» нашриёти, 2010. Б. 218.

² Янг Сингфен (杨兴锋). Хитой оммавий ахборот воситалари оммавий дипломатияда муҳим аҳамият касб этиши лозими (中国主流媒体应在公共外交格局中发挥更大作用) // «Оммавий дипломатия» журнали (公共外交), 2010, №4. – Б. 53.

³ Лю Сяоян (刘小燕). Ташқи тарғибот ёллар ва ундан фойдаланиш (论国家对外传播的渠道及其利用) // Ҳуқуқий саноат ва журналистика (国际新闻界), 2009, № 3. – Б. 44.

⁴ Фанг Фанг (方芳). Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси: Тибет делегацияси Шанхай Америкага уюштирган оммавий дипломатияси (全国人大西藏代表团在北美区的公共外交) // «Тонгтонг байжиа» журнали (公共外交), 2010, 4№. – Б. 96.

⁵ Вен Жянхуа (文建华). ХХР ташқи сиёсатига таъсир этувчи беш асосий омил («影响中国外交决策的五大因素»). – Пекин: «Чунгуо Байжиа» нашриёти, 2010. Б. 218.

¹ Randy Kliver. The Role of Media in Asian Geopolitics. <https://com.cityu.edu.hk/conf2018/kliver.pdf>
² http://www.e-reading.org.ua/bookreader.php/123590/Panarin_-_Informacionnaya_voina_i_geopolitika.html
³ Василенко И.А. Геополитика современного мира. – М.: «Гардарика», 2006.

XXRнинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан юритаётган сиёсати ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига муносабатини ОАВда тарғиб этилишини таҳлил қилиш;

ОАВ ахборот оламида ХХР ва АҚШ ўртасидаги геосиёсий рақобатни кузатиш ва таҳлил қилиш;

замонавий геосиёсий саҳнада ахборот таъсирига қарши туриш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Хитой Халқ Республикасининг замонавий геосиёсати ҳамда оммавий ахборот воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ХХР геосиёсий манфаатларини ҳимоялашда ва илгари суришда оммавий ахборот воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида хорижий манба ва адабиётлардаги маълумотларга танқидий қараш, тизимли, киёсий, график, SWOT-таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

жаҳондаги замонавий геосиёсий рақобатда Хитой Халқ Республикаси манфаатлари асосан оммавий ахборот воситалари (Хитойнинг CCTV телеканали), даврий матбуот ва интернет нашрлари орқали ҳимоя қилиш борасида амалий ишлар олиб борилганлиги илмий асосланган;

XXRнинг худудий яхлитлигини таъминлашдаги муаммоларни бартараф этишда онлайн оммавий ахборот воситалари асосий минбар ва муҳокамалар майдони вазифасини бажариш расмий ҳукумат идораларининг веб-саҳифалари мисолида исботланган;

Хитой оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатнинг халқро имижини шакллантириш асосан хитой маданияти (моддий ва номоддий), санъати орқали амалга оширилаётганлиги ва бу жараёнда “тинчликпарварлик” (“求和”), “бағрикенглик” (“包容”), “инсонпарварлик” (“以人为本”) гоялари кенг тарғиб қилиниши аниқланган;

жаҳон ахборот маконида ХХР ва АҚШ ўртасидаги геосиёсий рақобат йил сайин кучайиб бораётган пайтда Хитой оммавий ахборот воситалари янада фаоллашаётганлиги, бу жараёнда Пекиннинг техникавий имкониятлари юксалаётганлиги бирламчи манбалар ва даврий нашрлардаги аниқ маълумотлар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

замонавий геосиёсатнинг ахборот парадигмаси сиёсат оламининг хусусиятларини ҳамда геосиёсий ҳукмронлик усулларини ўзгартирганлиги классик ва замонавий геосиёсатни киёсий таҳлил қилиб, Хитой Халқ Республикаси мисолида асосланган;

онлайн ҳукумат бошқаруви ва омманинг онлайн сиёсатдаги иштирокнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

халқро миқёсда ХХР ахборот хавфсизлиги бўйича олиб борган амалий фаолиятини илмий асосда тадқиқ қилиниб, замонавий ахборот тизимида узатилаётган маълумотлани мазмун жиҳатидан тасниф қилинган;

Хитойнинг халқро майдондаги имижини ошириш усуллари, айниқса, халқро майдонда кўпинча сифатсиз деб қаралган “Made in China” махсулотлари имижини оширишдаги тажрибасини кузатиш натижасида олинган хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон миллий имижини ошириш бўйича таклифлар берилган;

Хитойнинг геосиёсий манфаатларида Марказий Осиё мамлакатларининг ўрни, қолаверса, хитойлик эмигрантлар ва уларнинг хусусиятларини ҳамда уларшу мамлакатдаги демографик муаммоларни таҳлил қилиб, “Ақлий марказлар” фаолияти бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот учун белгилан олинган вазифалар хитой тилидаги оригинал манбалар, илмий адабиёт, оммавий ахборот воситалари материаллари ва диссертантининг Хитойга кўп марталик илмий сафари жараёнидаги кузатувлар, олимлар ва амалий ишлар билан шугулланувчи ходимлар билан бўлган учрашувлар орқали йиғилган аниқ маълумотлар асосида бажарилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалардан геосиёсий муаммолар ва ахборот хавфсизлиги ҳамда ахборот муаммолари билан шугулланувчи давлат ташкилотлари ходимлари, Хитой масалалари билан шугулланувчи сиёсатчилар ва халқро муносабатлар бўйича таҳсил олувчи талабалар махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган амалий таклиф ва хулосалар Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси муносабатларига оид қарорларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистондаги халқро журналистларининг сиёсий билими ва салоҳиятини ошириш соҳасидаги амалиётларни такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой Халқ Республикаси геосиёсий манфаатлари тизимида оммавий ахборот воситаларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жаҳондаги геосиёсий рақобатда ХХР ўз манфаатларини ахборот таъсири орқали қандай ҳимоя қилаётгани, Хитойнинг халқро имижини шакллантириши, Хитойнинг иқтисодий манфаатларини олға суришда ОАВни ишга солиш усуллари, ахборот хавфсизлиги, ҳозирги кунда ХХР онлайн оммавий ахборот воситаларининг сиёсий фаоллиги ва аҳамияти масалалари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг 2018-2019 йилларда ОАВ ходимларининг касбий малакасини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва

ривожлантириш жамоат фондининг 2020 йил 18 августдаги 1/70-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар ОАВ фаолиятини ривожлантириш ҳамда журналистларнинг сиёсий салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилган;

онлайн оммавий ахборот воситаларининг сиёсий аҳамияти, ОАВ томонидан интернетда кўтарилган нозик сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан халққа ўз вақтида, тезкор жавоб бериш, кўчмас мулк нарх-наволарининг қимматлашувига таъсирига изоҳ бериш бўйича билдирилган таклифлардан ҳамда Хитойнинг халқаро имижини шакллантириш масалалари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг веб-сайтида хитой тилидаги саҳифага (<http://www.uz.uz/cn>) материалларини оммавий ахборот воситалари орқали узатишда шарҳловчи-журналистлар томонидан мунтазам фойдаланилган (Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг 2017 йил 30 августдаги 30.08.2017 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар веб-сайт шарҳловчиларининг ахборот тақдим этишидаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Хитойнинг халқаро имижини шакллантириш ва хорижга ахборот узатиш тажрибасини ўрганиш орқали олинган натижаларга асосланиб, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг хитой аудиториясига мўлжалланган веб-сайтида (<http://www.uz.uz/cn>) тақдим этилган материаллар асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 5120700-JS, 5240100-YU, 5231100-JIXIM таълим йўналиши талабалари учун дарслик яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 303-009 рақамли грифи). Мазкур дарслик ЖИДУ талабалари Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишга мўлжалланган материалларни хитой тилида тақдим этишни ўрганишлари учун хизмат қилган.

Таълимий натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Таълимий натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (улардан 7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот ишнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига ўсмиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ахборотланган жамиятда жаҳон геосиёсати ва ХХР манфаатлари**» деб номланиб, унда ахборотланган жамият шароитида жаҳон геосиёсати ҳақидаги назарий қарашлар, Хитой Халқ Республикасининг геосиёсий стратегиясига доир хорижий олимларнинг тадқиқотлари, ХХР ташқи сиёсатига таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинган.

Ахборот инқилоби геосиёсат соҳасида янги виртуал масканини яратди, бу эса геосиёсий қурашлар меъёрларининг янгиланишига олиб келганлиги диссертация ишида илмий таҳлил қилинган. Ҳудудий чегараларни тан олмайдиган ва кенг доирадаги йирик омман бошқарувчи ахборот технологияларининг вужудга келиши ҳарбий ҳаракатларни ва "цивилизация руҳиятини" ўзгартира олиш даражасига етганлиги, умуман, ахборот парадигмасининг бугунги кундаги ўрни илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бунинг учун классик ва постклассик геосиёсий қарашлар руҳини олимларнинг тадқиқотлари асосида қиёсий таҳлил қилинган.

Классик геосиёсат концепцияларининг асоси ўз давридаги давлат ва миллатлар шаклланишига географик жойлашувнинг ва иқлим шароитининг таъсири ҳақидаги тасавурларидан келиб чиққан. Фридрих Ратцель¹, Рудольф Челлен², Джон Маккиндер³, Альфред Дунен⁴ларнинг классик асарларида давлатнинг худудий кенгайиши, уларнинг дунё миқёсидаги таъсир кучи ҳамда ушбу кучнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари ахс эттирилган. Уларда, асосан, қуруқлик ва денгиздаги ўзаро таъсир ҳақида фикр юритилган.

Замонавий геосиёсат нуқтан назаридан қураш нафақат географик ва физик масканди, нафақат қуруқлик ёки денгизда олиб борилади, балки замонавий геосиёсий гигант даражасига етиш учун янгидан-янги маскандарни, дунёнинг иқтисодий ва молиявий бозорини, интернет, газета, радио ва телекоммуникация олами, янги техника ва технологияларни забт этишга

¹Ратцель Ф. (нем. Friedrich Ratzel; 30.08.1844) — немис географи ва этнолог, социолог; антропогеографик, геосиёсат асосчиси. «Земли и жизнь. Сравнительное землеведение». «Народоведение» ва «Политическая география» асарлари муаллифи.

²Рудольф Ч. (13.06.1864), швед сиёсатчиси, социолог. Реакцион геосиёсат концепциясининг янги асарларидан бири, давлатни географик ва биологик организм сифатида таълиқ қилган. «Геосиёсат» терминини амалда киритган.

³Маккиндер Ж. (англ. Halford John Mackinder; 15.02.1861) — географ ва геосиёсатчи. «Хартланд» назарияси асосчиси.

⁴Мхон Т. (ингл. Alfred Thayer Mahan; 27.09.1840) — геосиёсат асосчиси ва бир, Ғ) асарларида, асосан, «Денгиз кучи» назариясини таълиқ қилди. Муҳим асарларидан бири «Влияние морской мощи на историю 1660—1783», 1890 й.

тўғри келади. Шунингдек, ҳаво ва космик олам ҳам замонавий геосиёсат майдони саналади.

Оммавий ахборот воситаларининг таъсири остида нафақат кураш шакллари, балки геосиёсий ҳукмронлик усуллари ҳам ўзгарди. Замонавий дунёнинг геосиёсий кўриниши ўзининг мураккаблиги, тезкорлиги, ошкоралиги, кўп вариантлилиги, глобал жараёнларнинг виртуаллиги билан ажралиб туради. Бунда ахборот оқимларини бошқариш ҳокимият учун муҳим саналади. Шу нуктадан назардан, бошқарув жараёнидаги кўпгина муаммолар геосиёсатчилар томонидан янгича ҳал қилинмоқда. Ахборотлашган жамият сиёсат оламининг хусусиятларини, тўзуми ва сифатини ўзгартирди. Виртуал оламининг вужудга келиши ва тармоқ тизимининг ишга солиниши сиёсат оламидаги вақтни тезлаштириб юборди. Геосиёсатнинг ахборот парадигмасини инсон дунёқарашини ўзгартiriшнинг асосий мақсад деб билади.

Хитой Халқ Республикасининг геостратегик режалари, 1998 йилларда Цзянь Цземин илгари сурган “Ташқарига чиқиб стратегияси”¹ дан бошлаб, бутунги кунга қадар олиб борилган геосиёсат, яъни ушбу стратегиянинг манتيкий давоми сифатида 2013 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин томонидан илгари сурилган “Ипак йўли иктисодий белбоғи” (Сичоу чжилу жингжи дай) ҳамда “21 аср денгизлараро ўтган ипак йўли” (“Эрши Йи шижи Хайшанг сичоу чжилу”) ташаббусларини ўзида мужассам этган “Бир белбоғ бир йўл” (“Йндай йилу”) стратегиялари тадрижий тахлил қилинган.

“Бир белбоғ бир йўл” маршрути бўйлаб жойлашган мамлакатлар 3.21 миллиард аҳолини ташкил қилади, яъни дунё аҳолисининг 43 фоизига тенг². ХХР ушбу лойиҳа доирасида 106 та давлат билан 124 та “Бир белбоғ бир йўл” ҳамкорлик ҳужжатларини имзолаган³.

Мазкур лойиҳа бўйича ҳамкорликнинг бешта асосий йўналиши белгиланган:⁴



1-расм. “Бир белбоғ бир йўл” бўйича ҳамкорликнинг бешта асосий йўналиши

¹ <http://baike.baidu.com/item/走出去战略/936536976?aladdin13.08.2018>.

² “Бир белбоғ бир йўл” дан бошлаб ўзининг сиёсий қарорларинингизни ўзгартираман” 从“一带一路”开始到正我们的地理政治版). <http://opinion.people.com.cn/GB/n1/2017/05/11/1603-29267526.html> 11.05.2017г.

³ “Индай” “Бир белбоғ бир йўл” сўзини беш йилда (一带一路这五年). <http://www.yidaiyilu.gov.cn/gslw/sq/66757.htm> 20.09.2018г.

⁴ <http://www.yidaiyilu.gov.cn/ydybz1.htm>.



2-расм. “Бир белбоғ бир йўл” харитаси¹

Бундан кўриш мумкинки, “Бир белбоғ бир йўл” барча соҳани қамраб олган. Қуруқликдан Марказий Осиё, Россия, Европа давлатларига, денгиздан эса Жануби-Шарқий Осиё, Хиндистон, Африка давлатларига йўл очилмоқда. Бу ХХР геосиёсий манфаатлари учун чексиз имконият манбаидир.

Логистика нуктадан назардан олганда, мазкур ташаббус тагида қуруқлик ва денгиз йўллари бўйлаб деярли бутун дунё бозорларига кириб бориш ва уларни ХХР манфати учун хизмат қилдириш тизимини яратиш ётади.

2018 йил маълумотларига кўра, ташаббус илгари сурилганидан бошлаб беш йиллик муддат давомида ХХРнинг ушбу йўлларга боғланган мамлакатлар билан амалга оширилган савдо алоқлар ҳажми 6 триллион АКШ долларидан ортган. Хитойдан денгиз йўллари орқали 200дан ортик мамлакатнинг 600дан зиёд портларига борадиган маршрут йўналишлари очилди. Ташаббус доирасидаги 45 та мамлакатга тўғридан-тўғри авиарейслар йўналиши очилди. Бу йўналишларда ҳафтага 5100 та рейс қатнамоқда. Осиё инфраструктура инвестиция банки ҳамда Ипак йўли фондининг ташкил этилиши ХХРнинг молиявий масалаларини ҳам енгиллаштирди. Очилган ер юзи ва ҳаво йўллари маршрутлари бўйлаб 40 та мамлакатда 165 та банк орқали Хитой пулини, яъни юаньни (RMB) амалда ишлатиш жорий этилди. Шунингдек, “Union Pay” банк карталарини ҳам 50 та мамлакатда ва Африка қитъасининг 75 фоиз ҳудудида бемалол ишлатиш мумкин бўлди. Бундан ташқари, ХХР томонидан “Ипак йўли” номли Хитой ҳукумат гранти ташкил қилинди, 24 та давлат билан ўзаро олий таълим дипломларини тан олиш ҳақида шартнома имзоланди².

“Бир белбоғ бир йўл” ташаббуси доирасида ХХР ҳукумати ўзининг геосиёсий манфаатларини химоялашда стратегик мақсадларни амалга оширишда энг қулай имкониятларни қўлга киритиш учун курашмоқда. Шу аснода мазкур давлат раҳбарлари Марказий Осиёдан ўтадиган ер усти йўллари ҳамда денгиз йўллари орқали ўзларига зарур бўлган ҳажмда

¹ <https://zhidao.baidu.com/question/652231204348585965.html> 24.05.2017г.

² “Индай” “Бир белбоғ бир йўл” беш йиллик мунафақатларини 动画:“一带一路”这五年: 互联互通交出靓丽成绩单 <http://www.yidaiyilu.gov.cn/gslw/sq/72068.htm> 19.11.2018г.

энергоресурслари, иложи борича, арзон нархда ва экспорт махсулотлари ҳисобига тадрижий ҳолда импорт қилиш учун шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, ХХР ҳукумати савдо ишларида тайгайгина мамлакатларда Хитой валютасини асос қилиб олиш амалиётини жорий этишга қатъа эътибор бериб келмоқда ва бу борада анчагина ютуқларга эришмоқда. Бундан ташқари, ушбу ташаббус доирасида кўпгина давлатлар билан виза тартибларининг енгиллаштирилиши, ўзаро олий таълим дипломларининг тан олинishi каби ишлар Хитой учун кўплаб ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишга замин яратмоқда.

Мазкур бобда диссертациянинг мавзусидан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ва ундан фойдаланиш омили ҳозирги ахборотлашган жамиятда ХХРнинг стратегик манфаатларини олға суришда муҳим аҳамият касб этувчи ҳамда энг долзарб масалалардан бири эканлиги Хитой матбуотида келтирилган тарихий материаллар ва уларга билдирилаётган расмий муносабатларга оид маълумотларни кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ёритиб берилди. Шу аснода ХХРда тарихий воқеаларни замонавий сиёсатга хизмат қилдириш масаласига ҳам қатъа эътибор берилётганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Чунончи, Японияга қарши уруш даврида “Сиёсий муаммолар тадқиқоти кенгаши” ташкил қилинган ҳамда Япон урушининг мамлакат ички ва ташқи вазиятидаги жараёнири ҳақида турли тўпламлар нашр этилган. “Урушга қарши Хитой наври” ва “Урушдаги Япон империализми” каби нашрларга Мао Цзедун шахсан ўзи муҳаррирлик қилган¹. ХХРнинг бу соҳадаги уришилари АҚШ оммавий ахборот воситаларида узатилган ва хитойлик тадқиқотчиларнинг норозиликларига сабаб бўлган ХХРга алоқадор материаллар асосида таҳлил қилинди.

Диссертация ишнинг иккинчи боби «ХХРнинг ахборот соҳасидаги таракқиёти ва ахборот сиёсати» деб номланган. Унда Хитой оммавий ахборот воситаларининг умумий ҳолати, йирик ва халқаро аҳамиятга эга бўлган матбуот, радио, телевидение ҳамда онлайн тармоқлари таҳлил қилинган. Хитойдаги техника таракқиёти натижасида кескин ривожланган онлайн оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, сиёсий аҳамияти уларда узатилган материалларни кузатиш, Хитойда содир бўлган йирик ҳодисалар ва сиёсий аҳамият касб этган воқеалар жараёнида ёритилган материаллар ва уларнинг натижалари тадқиқ этилди. Шунингдек, ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича Хитойдаги ҳуқуқий ҳужжатлар, хитойлик мутахассисларнинг фикрлари ўрганилди ва таҳлил этилди.

Хитойнинг қатъа таъсир кучига эга бўлган, халқаро аҳамият касб этувчи ва кўплаб тилларда хорижга ахборот узатувчи йирик оммавий ахборот воситалари “Женмин жибао” (“Халқ кундалик газетаси”), “Чжунгуо чингян бао” (“Хитой ёшлари газетаси”), “Синхуа” ахборот агентлиги, Хитой миллий радиоси (China National Radio – CNR), Хитой Халқаро радиоси (China Radio

International - CRI), Хитой марказий телевидениеси (CCTV) фаолияти таҳлил қилинган.

Мазкур бобда интернет таракқиёти натижасида юзага келган ахборот технологиялари инқилоби ҳукумат фаолияти тартиб қондаларини тубдан ўзгартириб юбормаган бўлса-да, лекин унинг тизимига, ҳатто ХХР Компартиясига ўз таъсирини кўрсатганлиги, эндиликда ҳукумат ўзининг аъёнавий хусусиятларига таъянган ҳолда бошқаруви амалга ошириши инсоьлар талабига жавоб беролмаслиги эътиборга олинганлиги тадқиқ этилган. Шунингдек, Хитой ҳукуматининг онлайн тармоқдаги фаоллиги мисоллар билан таҳлил қилинган.

Хитой интернет ахборот маркази (CNNIC) 2018 йил 20 августда эълон қилган “42-Хитой интернет таракқиёти ҳақидаги статистик ҳисобот” 2018 йилнинг биринчи ярмида ХХР интернет аҳли 802 миллионга етганлигини кўрсатди¹. Бу кўрсаткич Хитой аҳолиси сонининг кўплиги ҳисобига дунё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Тарих жуда кўп марта шунга гувоҳ бўлганки, қатъа ўзгаришларга бой бўлган давр кучли тартиб-қондага ва ҳукумат бошқарувида муҳтож бўлган, ўз навбатида, ҳукуматдан ҳам янгиликларини талаб этадиган давр ҳисобланади.

Бутуғни кунда Хитойда “Вейбо” онлайн тармоғининг сиёсий фаоллиги жуда кучайган. Хитойлик мутахассисларнинг фикрича, “Вейбо” - оммавий ахборот воситаларининг янги кўринишдаги майдони бўлиб, аҳолининг жуда қатъа эътиборини қозонган. Турли ҳукумат ва вазирлик идоралари ҳам ўзларининг “Вейбо” саҳифаларини ташкил қилиб, маъмурий имкониятларини янада кенгайтирмоқдалар². Хитой Маъмуриятини ўрганиш институтининг электрон ҳукумат тадқиқот марказининг 2012 йил февраль ойда берган маълумотида кўра, Хитойнинг миллий ахборот агентликлари “Синхуа”, “Синланг”, “Тенгсюн”, “Женмин” веб-сайтларининг “Вейбо”даги саҳифаларида рўйхатдан ўтган ҳукумат саҳифаларининг умумий сони 50561 тага етган, шундан 32358 таси - ҳукумат ва партия органлари саҳифаси, 18203 таси - партия ва ҳукуматда фаолият юритувчи кадрларнинг расмий саҳифаларидир³.

“Вейбо” шиддатли тезликда Хитойнинг ахборот денгизига айланди, унда етук мутахассислар ва олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам, турли тоифадаги оддий халқнинг ўз овози ҳам мавжуд. Кенг қўламага эга бўлган ушбу ахборот майдони ҳукуматга омман бошқарини ва ишончига кириш учун қулай имконият яратди. “Вейбо” саҳифаларида оммавий ахборот воситаларини ташкил қилиш фақатгина Хитой ҳукумат идоралари ва хитой аудиториясини қамраб олмайди, балки турли давлатларнинг Хитойдаги элчихоналари, трансмиллий корхоналар, турли ташкилотларнинг ҳам оммага ахборот

¹ Қорон: Джанг Янгуан, Суонг Лианго, Чжанг Ян (蔣迎春, 宋莉萍, 张洁). ХХР дипломатиясига оид таълиқотларнинг 60 йиллиги: илгарилар ва истиқболни кўриш (Чжунгуо вайбао аяқо 60 нин: жибю юй чингян 中國外交研究 60 年: 進步與前瞻) / “Шенхай гуоци гуанши журнали” (現代國際關係 - Замонавий халқаро муносабатлар). 2009, №10, 51-6т.

¹ http://www.cnnic.net.cn/guowen/xwzx/cdxw/20172017_7047/201808/20180820_70486.htm Хитой интернет тармоғини ўрганиш ахборот маркази (“Чжунгуо хуанан вангуо сивей чэюэсивэй” 中國互聯網絡信息中心) (CNNIC). “Хитой интернетининг ривожланиш ҳолати ҳақидаги 38-статистик ҳисобот”, 20.08.2018 й.

² Zhang Chunhua. Sociological Interpretation of Net-Mediated Public Sentiment. Social sciences academic press. Beijing, P.086.

³ Хитой маъмуриятини ўрганиш институтининг электрон ҳукумат тадқиқот маркази. <http://www.nsa.gov.cn>

берувчи воситалари мавжуд. Улар томонидан узатилаётган ахборотлар мазмунини кузатсак, турли мақсад ва манфаатлар учун ҳаракатларни кўриш мумкин.

Виртуал ахборот оламидаги турли мақсадда киритилган маълумотлар ижтимоий фикр ҳамда мамлакат аҳлининг сиёсий қарашларини шакллантиришга жиддий ҳафв туғдира олишини инобатга олиб, ХХР олимлари ахборотларни мазмун жиҳатидан таснифлаш таклифини илгари сурдилад. Улар ахборотларни мазмун жиҳатдан уч хил номлайдилар.

Биринчиси, "қизил" мазмундаги ахборотлар, яъни ХХР ҳукуматининг гоъялари ва мафқураси таркиб топган ахборотлар. Иккинчиси, "кул ранг" мазмундаги ахборотлар, яъни ҳукумат гоъялари эмас, турли ижтимоий фикрлар, мамлакат гоъяларига бевосита таъсир этмайдиган ахборотлар. Учунчиси, "қора" мазмундаги ахборотлар, яъни бунда ўзга мамлакатлар томонидан киритилган, Хитой ҳукуматинининг бош гоъяларига қарши ҳужум қилувчи ахборотлар назарда тутилади. Бу уч хил мазмундаги ахборотлар оқимига нисбатан турлича ёндашув амалга оширилади. "Қизил" мазмундаги ахборотлар қўллаб-қувватланади, "кул ранг" мазмундаги ахборотлар эркин муҳофиза қилиниб, фаоллик билан бошқарилади, "қора" мазмундаги ахборотлар эса, қонуний равишда чекланади ва назорат остига олинади, лозим бўлса, қонуний тарзда жазога тортилади.¹

Диссертация ишининг учинчи боби "Халқаро миқёсда Хитой Халқ Республикасининг салоҳиятини ошириш сиёсати" деб номланган. Унда Хитойнинг халқаро образини шакллантириш, мамлакат имижини яхшилаш, иқтисодий манфаатларини илгари суртиш, давлатнинг ички бирлиги ва ундаги миллатлар аҳиллигини таъминлаш масалаларида оммавий ахборот воситаларини ишга солиш усуллари таҳлил қилинган.

Хитойлик экспертлар халқаро майдонда, кўпинча, Хитой ҳақида илгари суриладиган "жаҳон фабрикаси"² маконини ўзгартириш бўйича қоралар изламоқдалар, трансмилий корпорациялар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар "юмшок кучлар"ни ўстириш кудратига эга эмас.³ Ҳақиқий буюк куч бўлган Хитой жаҳонга кийим-кечак сотиш, дунёнинг "ишлаб чиқариш фабрикаси"га айланиш билангина қудратли бўлиб қолмайди. Бундай давлат атрофдаги оламга маданий таъсир эга олиш салоҳиятига эга бўлиши керак. Бу маданий куч четта чиқариш учун яроқли қанча маданий маҳсулот мавжудлиги ва чет эл истеъмолчисига унга нисбатан руҳий боғланишини шакллантира олишида намоён бўлади.

Маъзку талқикот ишида мисол тариқасида келтирилган ХХР оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлар мазмуни таҳлилдан маълум бўлдики, Хитой ОАВлари орқали мамлакатнинг халқаро имижини яратишни икки хил йўналишга ажратиш мумкин:

Маданият тарғиботи орқали

- Хитой миллий оғнаси, миллий медицинаси, миллий спорт, қадимий ёдгорлиқлари, миллий маҳсулотлари ва ҳ.к.
- Хитой тили, урф-одатлари, Конфуций ва Даосизм таълимоти.

Иқтисодий-иқтисодий тарғибот орқали

- Халқаро миқёсдаги бирик талбирлари ўтказилиши ("Бир белбоғ бир йўл" Халқаро ҳамжihat форуми, Пекин Олимпиадаси, Шанхай Экспо ва ҳ.к.)
- "Медицина дипломатияси", Африка каби давлатларга кўрсатилган тиббий ёрдамлар ҳақида кенг ёритиш.

3-расм. Хитой ОАВлари орқали мамлакатнинг халқаро имижини яратишининг икки йўналиши

Ушбу тарғиботларнинг самарасини 2013 йилда ХХРнинг Маданий маҳсулотларини тарғиб этиш талқикот маркази томонидан ўтказилган, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Африка, Ҳиндистон, Россия, Бразилияда умумий 3017 киши иштирок этган ижтимоий сўров орқали кўриш мумкин, унинг натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 62 фоизи Хитойни қадимий тарих ва маданиятга эга бўлган давлат деб биладилар, 58 фоизи - иқтисодий ривожланаётган мамлакат, 33 фоизи - худудий йирик давлат, 26 фоизи - ижтимоий тўқнашувлар кўп бўлган давлат, 24 фоизи - хавфли давлат, деб жавоб берган.⁴ Африкадаги ижтимоий сўровлар эса янада самарали натижаларни кўрсатмоқда. Хитой ҳақида яхши таассуротлилар Кенияда - 81 фоиз, Сенегалда ҳам - 81 фоиз, Гана ва Нигерияда - 75 фоиз, Танзанияда - 70 фоиз, Эфиопияда - 67 фоиз аҳолини ташкил қилади.⁵

Кейинги йилларда ХХР ОАВлари олдида биргина мамлакатнинг ички иқтисодий масалаларини ёритиб бориш эмас, балки унинг халқаро саҳнадаги иқтисодий манфаатларини олға суртиш ва ҳимоялаш асосий вазифага айлантирилган. Бу борада ХХР ОАВлари ҳукумат билан ҳамжihatликда фаол ва самарали ҳаракат қилмоқдалар. Ахборотлашган жамият даврида давлат имижни, стратегияси ва давлат иқтисодий манфаатлари ўзаро боғлиқдир. Давлатнинг ижобий образига эга бўлиш ўша давлатнинг халқаро иқтисодий ташкилотларга таъсир кучини ва бошқа давлатларни ўзига жалб қилиш кучини оширади, шунингдек, мамлакатнинг халқаро иқтисодий мавқеини кўтарди. Хитой давлат имижни стратегияси қуйидаги икки йўналишда давлатнинг иқтисодий манфаатларини амалга оширади:⁶

¹ http://news.china.com.cn/2014-02/21/content_31547018_2.htm

² Каранг: Дзян Чунь (张春). Медицина дипломатияси ва юмшок кучларни ўстириш (医疗外交与软实力培育) // Сяньдай гуоци гуанси (现代国际关系) журнали. 2010 йил №3 51-бет.

³ Лю Сяфанг (刘世芳). "Глобаллашув даврида давлат имижни стратегияси ва давлат манфаатларини амалга ошириш ҳақида" (论全球化时代国家形象战略与国家利益的实现) // Журн. "Гуоци гуанси" (国际观察 - "Халқаро назарни кўришни") 2009 йил №1. 18-бет.

⁴ <http://www.forestry.gov.cn/portals/xsh/2519/content-684014.html>

⁵ 当代世界. 纪军. "增建战略互信 促进互利合作". Давлат "Ўзаро стратегик ишончини ошириш, ўзаро манфаат ҳамжihatини йўлга қўйиш" // Дунгай шидеж журнали. №6, 2010 - Б. 20.

⁶ Каранг: http://www.politi.ru/research/2008.04.07_china.html

XXP оммавий ахборот воситаларининг "SWOT" таҳлили

STRENGTH (Кучли томонлари)	WEAKNESSES (Йоқик томонлари)
<ul style="list-style-type: none"> - Ривожланган ахборот технологиялари; - Кучли ва тежор интернет тармоғи; - Миллийий бой ахборот агентликлари, телерадиокомпания ва матбуот; - Хукуквий ҳужжатларнинг етариллиги; - Маълумоти кадрлар, сиёсий ва иқтисодий соҳада чуқур истифослашган журналистлар етариллиги; - Хорижий фирмаларининг кўчилиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Халқаро сайтларини ва ташқи ОАВнинг меҳландириллиги; - XXP ахборот сифатини мамлакат ОАВ маълумотларидан хабардор бўлиши; - Халқаро аудиториининг XXP оммавий ахборот воситаларига қизиқининг сустлиги.
SWOT	
OPPORTUNITIES (Имкониятлари)	TREATS (Хавф-хатар)
<ul style="list-style-type: none"> - "Бир бобот бир йўл" ташаббуси доирасида ҳамкорликнинг кенгайини ва XXP ОАВлари ахборот манбаининг кенгайини; - Хитойнинг қонундаги ютуқлари ҳамда иқори технологияларининг тежор ривожланиётганлиги; - телеканаллар ва ахборот агентликларининг зурли тизмаларини саҳифалари кўпайиб бораётганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Ахборот оламида ГАРБ оммавий ахборот воситалари билан рақобат; - Халқаро аудитори ишончининг сустлиги.

1. Мамлакат маҳсулоти марказининг имижини яратиб орқали мамлакат корхоналарининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш.

2. Давлат имижини стратегиясининг инвестиция муҳитини яхшилашга ва чет эл капиталини жалб қилишга ёрдами.

Мамлакат маҳсулотининг имижини икки хил маънода, яъни кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода қўлланилганда, бир давлатнинг умумий ижтимоий образини яратиб ва мамлакат номини маҳсулотнинг савдо маркази сифатида тартиб қилиш назарда тутилганда, бу мамлакатнинг умумий имижини стратегияси билан боғлиқдир. Тор маънодаги мамлакат маҳсулотининг имижини дегаанда, ўша давлатдаги таниқли компания ва маҳсулот ўртасидаги ўзаро боғлиқлик назарда тутилган. Халқаро омманнинг маълум бир давлат маҳсулотига бўлган умумий таассуроти мамлакат маҳсулотининг имижини дейилади.

Диссертация ишида Хитойнинг CCTV телеканали ҳамда бошқа итисодий газеталар томонидан «made in China» маҳсулотларининг халқаро имижини яхшилаш учун олиб борилган чора-тадбирлар ёритилган материалларнинг эътибор қаратиш лозим бўлган аҳамиятли томонлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақсур бобда XXP худудий яхлитлигини таъминлаш ва унинг геосиёсий аҳамияти, Хитойнинг Тибет ва СУАР худудларидаги оммавий ахборот воситаларининг ўзига хослиги, XXPнинг хорижга узатадиган ахборотларида "кам сонли миллатлар" ҳақидаги маълумотлар мазмуни, оғир ва муаммолари вазиетларда ОАВ орқали олиб борилган ташвиқот ҳамда амалий чора-тадбирлар тадқиқ қилинган. Қолаверса, Хитойдаги миллатлар маданиятининг интеграциялашувида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва бунинг XXP худудий яхлитлиги учун аҳамиятли томонлари таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг тўртинчи боби "Хитой Халқ Республикасининг геосиёсий манфаатларини ҳимоялашда оммавий ахборот воситаларининг сиёсий потенциал сифатида" деб номланган. Унда ахборот оламида Хитой ва бошқа давлатлар ўртасидаги рақобат, АҚШ оммавий ахборот воситаларида Хитой мавзуси, Хитойнинг Марказий Осиё ва Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига муносабати таҳлил қилинган.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йили жаҳон геосиёсий майдонида катта ўзгаришлар юз берган давр бўлди. 1991 йилда собиқ Совет иттифонининг парчаланиши тўғрисидаги геосиёсий вазиет ўзгариб турган бир пайтда Тайван масаласи авж олган эди. Диссертация ишида айнан шу даврда АҚШ матбуотида Тайван мавзуси хитойлик мутахассислар томонидан қандай ёритилганига оид маълумотлар илмий тадқиқот материаллари асосида ёритилган. Шунингдек, АҚШ ва Хитойнинг Африкадаги ва Осиёдаги рақобати ахборот воситалари орқали таҳлил қилинган. Шу билан бирга, XXP оммавий ахборот воситалари афзалликлари ва камчиликлари "SWOT" таҳлили орқали ўрганиб чиқилган.

